

Ш.Э. Зокиров,
кичик илмий ходим, ТДИУ хузуридаги ИТМ

ЖАҲОН НЕФТЬ БОЗОРИДА НАРХ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ

В статье изучены проблемы формирования цен на нефть и некоторые препятствующие факторы к повышению производства нефти на мировом рынке. А также, анализируется связь между спросом и предложением на мировом нефтяном рынке и произведено равновесие цены. Основным принципом формирования цен на нефть становится их способность поддерживать стабильное развитие мировой экономики.

The paper studied the problems of oil pricing and some prepyatstvayuschie factors to an increase in oil production in the world market. And also, examines the relationship between supply and demand on the oil market and prices produced a balance. The basic principle of the formation of oil prices is their ability to maintain the stable development of the world economy.

Калитли сўзлар: нефть саноати, қора олтин, нефть истеъмоли, нефтьга бўлган жаҳон талаби ва таклифи, нефть деривативалари, энергия самарадорлиги.

Бугунги кунда дунё энергетика конъюнктурасида нефть ва табиий газ энергиянинг асосий манбалари ҳисобланади ва бу икки ресурс жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари учун ёқилғи-энергетика балансининг асосий компоненти бўлиб қолмоқда. Нефть экспорт қилувчи давлатлар тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, экспортдан олинаётган даромад мамлакат нефть саноатини ривожлантириш билан бир қаторда, мамлакатда юқори ривожланган, саноатлашган жамият яратиш имконини беради. Нефть саноатининг ривожланиши мамлакатлар миллий иқтисодиётини самарали ривожлантириб, аграр тизимнинг индустриал тизимга алмашилишига олиб келади. Масалан, йирик нефть захирасига эга бўлган Венесуэла даставвал аграр тизимга асосланган давлат бўлган бўлса, ҳозирги кунда йирик нефть экспорт қилувчи сифатида индустриал давлатга айланди ва кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилади.

Ҳозирда жаҳон бозорида нефтьга рақобатчи маҳсулот табиий газнинг аҳамияти ортмоқда. Табиий газ экологик тоза энергия манбаси бўлганлиги туфайли келгусида унга бўлган талаб йилдан-йилга ошиши кузатилади. Нефть аста-секин нархи тушиб боровчи активга айланиб боради. Гарчи жаҳон бозорида нефтьнинг нисбий нархи ошиб бораётган бўлсада, унинг реал қиймати пасайиб бормоқда. Нефтьни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти – ОПЕК прогнозлари бўйича, 2015-2020 йилларда жаҳон бўйича нефть қазиб олиш ҳажми ошиб боради, бундан олинаётган даромадлар углеводород ёқилғисини олишнинг алтернатив технологияларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Нефть саноатининг ривожланиши мамлакатда турли экологик салбий ўзгаришларни келтириб чиқармаслиги зарур. Бир қатор мамлакатларда, жумладан Норвегия, Буюк Британияда саноатнинг ушбу тармоғи ривожланиши атроф муҳитни ифлосланишига қарши аниқ белгиланган қонунлар асосида қаттиқ назорат остида олиб борилади. Аммо нефть ишлаб чиқарувчи кўплаб ривожланаётган давлатларда нефть саноати ривожланишининг иқтисодий самарадорлиги атроф муҳит ҳимоясидан кўра афзалроқ қаралади. Давлатнинг нефть ишлаб чиқаришдан олаётган даромадларини оптималлаштириш давлат даромадларини максималлаштириш муаммосини ҳал қилади. Масалан, даромадларнинг ошиши солиқларнинг ошишига олиб келади, аммо шу билан бир қаторда, бу жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ошишига, охир оқибатда мамлакат соф миллий маҳсулотининг ошишига олиб келади. Бугунги кунда давлат даромадларини максималлаштиришда ҳал қилувчи омил сифатида бошқа нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўртасида нарх рақобати ва жаҳон бозорида нефть нархининг тушиши билан боғлиқ ҳолда белгиланган меъёрларда нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш қаралмоқда.




1-расм. Жаҳон нефть бозорида йирик нефть захирасига эга бўлган давлатлар, млрд. т.

Манба: Халқаро Энергетика Агентлиги расмий маълумотлари асосида, 2014.

Ҳозирда Саудия Арабистони 262,6 млрд. барр. (бутун дунё захироасида – 17,9%), Венесуэлла 211,2 млрд. барр. (14,4%), Канада 175,2 млрд. барр. (11,9%), Эрон 137,0 млрд. барр. (9,3%), Ироқ 115,0 млрд. барр. (7,8%) нефть захираси билан дунёда етакчилик қилаётган давлатлардир. (1-расм). Нефть экспорти бўйича Саудия Арабистони (7,6 млн. барр./ кун), Россия (5,0 млн. барр./кун), Эрон (2,5 млн. барр./ кун), Бирлашган Араб Амирликлари (2,4 млн. барр./ кун) давлатлари, нефть импорти бўйича эса АҚШ (10,3 млн. барр./ кун), Хитой (5,1 млн. барр./ кун), Япония (4,4 млн. барр./ кун), Ҳиндистон (3,1 млн. барр./ кун) ва Германия (2,7 млн. барр./ кун) давлатлари етакчилик қилмоқда. [1]

Жаҳон бозорида нефть нархининг ошишига таъсир қилувчи асосий омил – бу “қора олтин” га бўлган глобал талабнинг ошиши ҳисобланади. 2000-2013

йилларда жаҳон бўйича нефтьга бўлган талаб кунига 77,2 млн. барр. дан 91,4 млн. барр. га кўтарилди (умумий талабнинг ўсиши 18,4%). Жаҳон молиявий инқирози йиллари (2008-2009 йй.)да жаҳон бозорида энергия ресурслари истеъмоли қисқариши кузатилди, жумладан нефтьга бўлган талаб деярли 1 млн. барр./кун га камайди. Кейинги тўрт йилликда эса нефтьга бўлган талаб ошиши кузатилди ва 2013 йилда жаҳон бозорида нефтьга бўлган талаб 91,4 млн. барр./кун ни ташкил қилди (2-расм).



2-расм. Нефтьга бўлган жаҳон талаби баланси, млн. барр./кун

Манба: US Energy Information Administration, http://www.eia.gov/oiaf/aeo/tablebrowser/#release=EARLY2012&subject=ll-EARLY2012&table=19-EARLY2012®ion='0-0&cases=early_2012-dl21011b.

Жаҳон бозорида қисқа муддатларда “қора олтин” нархининг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири – бу нефтьга бўлган глобал таклифдир. Бунда жаҳон нефть таклифининг талабга нисбатан кескин ошиб кетиши нархнинг пасайишига сабаб бўлади. Лекин узоқ муддатли даврда нефтьга бўлган талабнинг ошиб бориши туфайли, таклиф ошиши нархни туширмайди. 2008-2030 йилларда жаҳон бозорида нефть ва кўмирнинг умумий таклифи ҳажми ошиб борсада, бу икки ресурснинг умумий энергия таклифидаги улуши камайиб бориши прогнозлаштирилмоқда. Агар нефть таклифининг умумий энергия таклифидаги улуши 2008 йилда 35,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2030 йилда бу кўрсаткич 30,2 %ни ташкил қилиши кутилмоқда. Газ таклифининг умумий энергия таклифидаги улуши 2008 йилда 22,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2030 йилда бу кўрсаткич 24,5 %ни ташкил қилиши кутилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон бозорида бирламчи энергия таклифи, (ОПЕК прогнози) [2]

Ёқилғи тури	Энергия таклифи, йиллар бўйича млн. бнэ/кун				2008-2030 йиллар-даги ўзгариш, % да	Энергия таклифи улуши, % да			
	2008	2010	2020	2030		2008	2010	2020	2030
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Нефть	80,9	80,4	89,9	97,6	120,6	35,7	35,0	32,7	30,2
Кўмир	64,8	66,2	80,1	92,1	142,1	28,6	28,8	29,2	28,5
Газ	51,4	52,1	64,5	79,1	153,9	22,7	22,7	23,5	24,5
Атом энергияси	14,4	14,7	16,9	20,7	143,8	6,3	6,4	6,2	6,4
Сув энергияси	5,5	5,8	7,3	9,0	163,6	2,4	2,5	2,7	2,8
Биоэнергия	8,6	9,2	12,9	17,5	203,5	3,8	4,0	4,7	5,4
Бошқа турдаги энергия манбаълари	1,3	1,5	3,2	6,8	523,1	0,6	0,7	1,2	2,1
Жами:	226,9	229,9	274,8	322,8	142,3	100	100	100	100

Манба: ОПЕК - World Oil Outlook 2010, p. 48.

Бугунги кунда ўсиб бораётган “қора олтин” дефицитини бартараф қилиш мақсадида глобал нефть ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга тўсиқ бўлаётган қатор муаммоларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:


1) АҚШ, Мексика қўлтиғи, Шимолий денгиз, Ғарбий Сибир ва бошқа ҳудудларда 1960-1970 йилларда очилган йирик нефть захираларининг камайиб бориши, яъни ушбу нефть захираларидан қазиб олинаётган “қора олтин” ҳажмининг йилига 4-4,5% тушиб бориши;

2) жаҳон нефть саноатида инвестицияларнинг етарли даражада эмаслиги натижасида янги қазиб чиқариш қувватларининг дефицитлиги. Нефть қазиб олишга 2000 йиллар ўрталарида киритилган капитал қўйилмалар 5-10 йилда, яъни 2010-йиллар ўрталаригача ўз самарасини берди. Нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш саноатида лойиҳаларнинг рентабеллиги етарлича юқори самара бермаслиги;

3) нефть ишлаб чиқарувчи давлатларнинг турли хил сабабларга кўра нефть қазиб олиш ҳажмини кескин ошириши, ёки камайитириши, атроф муҳит ифлосланишига қарши курашмаслик сиёсати.

Сўнгги йилларда нефтьга бўлган глобал талабнинг ошишида ривожланаётган давлатларнинг улуши ортиб бормокда. 2000-2013 йилларда ИХТТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) га қиравчи давлатларнинг нефть истеъмоли 1,5 баробарга ошган ва 2013 йилда бу кўрсаткич 45,3 млн. барр./кун ни ташкил қилди. “Қора олтин” га бўлган


талабнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми бўйича Хитой жаҳонда иккинчи ўринда туради. 2014 йилда Хитойдаги нефть истеъмоли 114,7-119,3 млн. барр./кун, яъни дунё нефть истеъмолининг 1/9 қисмини ташкил қилди. Айтиш мумкинки, 2015-2035 йилларда Хитойда нефть истеъмоли ҳажми ўсиб борши прогнозлаштирилмоқда, шунингдек ушбу йилларда Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар нефтьга бўлган жаҳон талаби ва нархининг ошишини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бирига айланади (3-расм).



3-расм. Бутун дунё, ИХТТ давлатлари, Хитой ва Ҳиндистонда нефть истеъмолининг 2005-2014 йиллардаги динамикаси ва 2015-2035 йиллардаги прогнози, млн. барр/кун [3]

Манба: US Energy Information Administration (http://www.eia.gov/oiaf/aeo/tablebrowser/#release=IEO2011&subject=0-IEO2011&table=1-IEO2011®ion=0-0&cases=Reference-0504a_1630).

Нефть нархининг ошишига таъсир қилувчи яна бир муҳим омил – бу нефть қазиб чиқариш таннархининг ўсиб боришидир. Жаҳон йирик нефть нуқталарида нефтьнинг тугаб бориши натижасида қазиб олиш жаройинидаги капитал ҳаржатларнинг ошиб бориши, янги нефть захираларини аниқлаш, эксплуатация қилиш харажатлари, ҳамда нефть қазиб чиқариш жараёнининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш харажатларининг ортиб бориши нефть қазиб чиқариш таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Нефть ишлаб чиқаришдаги капитал ҳаражатлар динамикасига назар ташласак, 2000-2014 йилларда бу кўрсаткич мунтазам ошишини кўриш мумкин. 2008 йилда бу кўрсаткич 2000 йилга нибатан 221 %ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилнинг III чорагида 233 %ни ташкил қилган (4-расм).



4-расм. 2000-2014 йилларда жаҳон нефть саноатида капитал харажатлар индекси (2000 й.=100), % да.

Манба: Cambridge Energy Research Associates (<https://www.ihc.com/info/cera/ihcindexes/index>).

2-жадвал

2000-2013 йилларда дунё бўйича нефтьга бўлган талаб, таклиф ва ўртача нарх динамикаси [4]


№	Кўрсаткичлар	2000 г.	2001г.	2002 г.	2003 г.	2004 г.	2005 г.	2006 г.
1.	Талаб, млн. барр/кун	77,2	77,9	78,7	80,2	83,3	84,7	85,6
2.	Таклиф, млн. барр/кун	77,3	77,5	77,4	80,3	83,5	84,8	85,5
3.	Ўртача нарх, доллар/барр.	37,27	31,11	31,28	35,36	45,61	62,97	72,83
№	Кўрсаткичлар	2007 г.	2008 г.	2009 г.	2010 г.	2011 г.	2012 г.	2013 г.
1.	Талаб, млн. барр/кун	87,0	86,3	85,5	88,3	88,9	90,1	91,4
2.	Таклиф, млн. барр/кун	85,7	86,8	85,7	87,4	88,6	91,0	91,6
3.	Ўртача нарх, доллар/барр.	78,69	103,02	64,92	82,76	113,25	111,65	106,52

Манба: US Energy Information Administration, <http://www.eia.gov/oiaf/aeo/tablebrowser/#release=EARLY2012&subject=IL-EARLY2012&table=19-EARLY2012®ion='0-0&cases=early> 2012-
dl21011b).

Агарда нефтьга бўлган глобал талаб ва таклиф, макроиқтисодий ва сиёсий омиллар ўртасидаги боғлиқликлар нефть нархи ўзгаришининг узоқ муддатли тенденциясини берса, унинг қисқа ва ўрта муддатлардаги динамикаси “қора олтин” нинг жаҳон савдосида нархни шакллантириш тизимининг асосий элементи ҳисобланган нефть бозорининг халқаро биржаси фаолиятига боғлиқ. Сўнгги йилларда нефть нархининг шаклланишига нефть бозори халқаро биржа операторларининг энг ликвидли нефть маҳсулоти турларига фьючерс котировкаларини ўрнатиш ва нефть бозори деривативалари билан боғлиқ

фаолиятлари катта таъсир кўрсатмоқда. Кўпчилик таҳлилчилар фикрига кўра, сўнги йилларда нефть деривативалари бозори молиявий спекулянтлар учун асосий фаолият майдонига айланиб бормоқда. Нефть –фақатгина биржа товари эмас, балки қийматли энергетик ресурс ҳисобланиб, унинг нархи реал бозор асосида, яни талаб ва таклиф ўртасидаги баланс асосида белгиланиши зарур. Бунга зид ҳолда, “қора олтин” спекулянтлари турли хил спекулятив ўйинлар асосида, кўп ҳолларда нефть нарҳини сунъий равишда ошириши ва пасайтириши кузатилмоқда.

2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб нефтьга бўлган жаҳон талабининг нархга таъсири қуйидаги кўринишга эга бўлади:



5-расм. 2000-2013 йилларда дунё бўйича нефтьга бўлган талаб ва ўртача нархнинг ўзаро таъсири

$$\begin{aligned} y &= 0,139x + 74, \\ t &= (8,63) \quad (61,35) \\ R^2 &= 0,861 \quad F = 74,50 \end{aligned} \quad (1)$$

Бу ерда:

x – нефтьнинг ўртача нархи, АҚШ доллар/барр.

y – нефтьга бўлган жаҳон талаби, млн. барр./кун.


(1) тенгламани талабнинг нархга боғлиқлик тенгламаси билан алмаштириб ҳисоблаш аниқлиги 86,1% га тенг бўлган, қуйидаги тенгламани ҳосил қилиш мумкин:

$$Q_d = 0,139 \cdot P + 74,95 \quad (2)$$

Бу ерда:

P – нефтьнинг ўртача нархи, АҚШ доллар/барр.

Q_d – нефтьга бўлган жаҳон талаби, млн. барр./кун.



6-расм. 2000-2013 йилларда дунё бўйича нефть таклифи ва ўртача Нархнинг ўзаро таъсири

$$y = 0,145x + 74,35 \quad (3)$$

$$t = (8,97) \quad (60,57)$$

$$R^2 = 0,870 \quad F = 80,62$$

Бу ерда:

x – нефтьнинг ўртача нархи, АҚШ доллар/барр.

y – нефтьга бўлган жаҳон таклифи, млн. барр./кун.

(3) тенгламани таклифнинг нархга боғлиқлик тенгламаси билан алмаштириб ҳисоблаш аниқлиги 87,0% га тенг бўлган, қуйидаги тенгламани ҳосил қилиш мумкин:

$$Q_s = 0,145 \cdot P + 74,35 \quad (4)$$

Бу ерда:

P – нефтьнинг ўртача нархи, АҚШ доллар/барр.

Q_s – нефтьга бўлган жаҳон таклифи, млн. барр./кун.

Бозор мувозанати ҳолати учун (2) ва (4) тенгламаларни тенглаймиз:


$$Q_d = Q_s; \quad 0,139 \cdot P + 74,95 = 0,145 \cdot P + 74,35; \quad P_e = 100$$

$$Q_e = 88,85;$$

Демак нефтьнинг бозор мувозанатини таъминловчи нарх қиймати 100 АҚШ долл./барр. Ўз навбатида мувозанат ҳолатида “қора олтин” га бўлган талаб ва таклиф ҳажми 88,85 млн барр./кун га тенг.

Сўнгги йилларда жаҳон нефть бозорини тартибга солишнинг мустаҳкам механизмларини ишлаб чиқиш ва турли спекулятив операцияларни чегаралаш, биржа спекулянтлари фаолият кўламини қисқартириш ва молиявий сегментларнинг ноқонуний ўйинларини бартарф этишга алоҳида этибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида жаҳон нефть бозорининг барқарор ривожланишини таъминлайди. 2014-2040 йилларда нефть нархи унга бўлган

талаб ва таклиф, ҳамда бошқа омиллар таъсирида аста ўсиб боришини прогнозлаш мумкин (7-расм).



7-расм. Жаҳон бозорида 1987-2013 йилларда нефтьнинг ўртача нархи ва 2014-2040 йилларда нефть ўртача нархи прогнози (2013 йил нархларида АҚШ долл./барр.) [5]

Манба: Energy Information Administration. Independent Statistics and Analysis, 2013.
http://www.eia.gov/forecasts/aeo/er/early_prices.cfm

Ўзбекистон энергетика бозори Каспий энергетика минтақаси давлатлари орасида иқтисодиётнинг энергия истеъмоли ва аҳолининг кўплиги (минтақа умумий аҳолисининг 36 %дан кўпроғи) бўйича иккинчи ўринда туради. Нефть ва газ мамлакатимиз бирламчи энергия истеъмолининг асосини ташкил қилиб, мамлакатимизда катта нефть ва газ захираларига эга. Аҳолининг йилдан-йилга ўсиб бориши, мамлакат саноатида янгидан янги тармоқларнинг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида нефть ва газ маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Янги стратегия сценарийси бўйича 2035 йилда мамлакатнинг умумий бирламчи энергия истеъмоли 2008 йилга нисбатан 36,2 %га ўсиб, йиллик ўртача 1,1 %ни ташкил қилади. Иқтисодиётда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар натижасида, энергия сиғими йилига ўртача 3 %га пасаяди. Нефтьга бўлган талаб йилига ўртача 1,6 %га ошиб боради (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда бирламчи энергияга талабнинг 1990-2008 йилларда ҳажми ва 2015-2035 йилларда прогнози (нефть эквивалентида млн. т.) [6]


№	Ёқилғи энергетика ресурслари	1990 й.	2008 й.	2015 й.	2020 й.	2025 й.	2030 й.	2035 й.	2008-2035 йй.*
1.	Кўмир	3,4	1,2	1,5	1,8	2,0	2,3	2,7	2,9%
2.	Нефть	10,1	4,7	5,9	6,4	6,1	6,6	7,3	1,6%
3.	Газ	32,5	43,6	51,7	54,2	56,4	57,2	57,3	1,0%
4.	Сув энергияси	0,6	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	0,0%
5.	Бошқа турдаги энергия**	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,2	0,5	31,9%
	Жами:	46,6	50,5	60,2	63,4	65,6	67,2	68,8	1,1%

*- Комплекс ўртача йиллик ўсиш даражаси.

** - Биоэнергия ва бошқа турдаги алтернатив энергия манбалари.

Манба: International Energy Agency, World Energy Outlook – 2010, P. 57.

Халқаро Энергетика Агентлиги прогнозлари асосида кўриш мумкинки, 2015-2035 йилларда мамлакатимизда нефтьга бўлган талабнинг йилига ўртача 1,6 % ўсиши, яъни 2015 йилда 5,9 млн. т. ва 2035 йилда эса 7,3 млн. т. ни ташкил қилиши прогнозлаштирилмоқда (8-расм).



8-расм. Ўзбекистонда 2015-2035 йилларда нефть, газ ва кўмирга бўлган талаб прогнози, (нефть эквивалентида млн. т.) [6]

Манба: International Energy Agency, World Energy Outlook – 2010, P. 59.

Бу прогнозлар асосида кўмирга бўлган талаб нефть эквивалентида 2015 йилда 1,5 млн. т. ва 2035 йилда 2,7 млн. т. ни ташкил қилиб, йиллик ўсиш ўртача 2,9 %ни ташкил қилиши кутилмоқда. Газга бўлган талаб эса 2015 йилда нефть эквивалентида 51,7 млн. т. ва 2035 йилда 57,3 млн. т. ни ташкил қилади (8-расм).

1990-2000 йилларда Ўзбекистонда нефть истеъмоли сезиларли даражада камайган. 2008 йилда нефтьга бўлган талаб 1990 йилга нисбатан деярли икки баробарга камайган. Бунга сўнги йилларда нефть нархининг тез суръатларда ўсиб боргани, иқтисодиётда, асосан саноат тармоқларида энергия самарадорлиги ва энергия тежаш кўрсаткичларини ошириш, шунингдек охирги истеъмолчиларнинг бошқа турдаги ёқилғи манбаларидан кенгроқ фойдаланиши сабаб бўлмоқда. Янги стратегия сценарийси бўйича навбатдаги 20 йилликда нефтьга бўлган талабнинг ўсиши кузатилади, яъни 2020 йилда нефтьга бўлган талаб кунига 127 минг барр. ни ва 2035 йилда эса бу кўрсаткич 161 минг барр. ни ташкил қилиши прогнозлаштирилмоқда. Айтиш мумкинки, бу кўрсаткич 2009 йилда 100 минг барр. ни ташкил қилган[2].

Жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлашда нефть бозорининг истиқболли ривожланишини таъминлашда қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- жаҳон нефть бозорининг мувозанат нархини таъминловчи таклиф ҳажмини таъминлаш, яъни жаҳон нефть талабининг таклифдан ошиб кетиши натижасида нефть бозори дефицити юзага келишининг олдини олиш;

- АҚШ, Мексика қўлтиғи, Шимолий денгиз, Ғарбий Сибир ва бошқа ҳудудларда 1960-1970 йилларда очилган йирик нефть захиралари ўрнини тўлдирувчи янги нефть захираларини аниқлаш;

- нефть ишлаб чиқарувчи давлатларнинг турли хил сабабларга кўра нефть қазиб олиш ҳажмини кескин ошириши, ёки камайтириши, атроф муҳит ифлосланишига қарши курашмаслик сиёсати устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

- жаҳон нефть саноатида инвестицияларнинг етарли даражада эмаслиги натижасида янги қазиб чиқариш қувватларининг дефицитлиги, нефть қазиб олишга 2000 йиллар ўрталарида киритилган капитал қўйилмалар 5-10 йилда, яъни 2010-йиллар ўрталаригача ўз самарасини бергани, нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш саноатида лойиҳаларнинг рентабеллиги етарлича юқори самара бермаслиги муаммоларини ҳал қилиш мақсадида йирик инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Ўзбекистонда нефть саноатини истиқболли ривожланишини таъминлаш учун қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

- янги нефть захираларини аниқлаш, уларни инновацион самарали технологиялар асосида қазиб олиш ва қайта ишлаш;

- саноатнинг ушбу турига йирик инвестицион лойиҳаларни жалб қилиш;

- сўнгги истеъмолда нефть ўрнини босувчи янги энергия манбаларидан, жумладан биоэнергия, шамол ва қуёш энергияларидан кенгроқ фойдаланиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. International Energy Agency: <http://www.iea.org/russian>
2. OPEC - World Oil Outlook 2010, p. 48.
3. US Energy Information Administration (http://www.eia.gov/oiaf/aeo/tablebrowser/#release=IEO2011&subject=0-IEO2011&table=1-IEO2011®ion=0-0&cases=Reference-0504a_1630)

4. US Energy Information Administration, [http://www.eia.gov/oiaf/aeo/tablebrowser/#release=EARLY2012&subject=ll-EARLY2012&table=19-EARLY2012®ion='0-0&cases=early 2012-dl21011b\)](http://www.eia.gov/oiaf/aeo/tablebrowser/#release=EARLY2012&subject=ll-EARLY2012&table=19-EARLY2012®ion='0-0&cases=early 2012-dl21011b)
5. Energy Information Administration. Independent Statistics and Analysis, 2013. http://www.eia.gov/forecasts/aeo/er/early_prices.cfm
6. International Energy Agency, World Energy Outlook – 2010, P. 59.